Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 13 ноябрь 1973 йил, сешанба ◆ № 266 (15.740). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИН БЕЛОРУССИЯДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ А. Н. Косигин 11 ноябрда Белоруссияга келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, БССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ф. А. Сурганов, БССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев ва бошқа расмий кишилар Ўртоқ А. Н. Косигинни Оршада кутиб олдилар.

А. Н. Косигин Орша лён комбинатида бўлди, у ишлаб чиқаришни кўздан кечиргандан кейин комбинат раҳбарлари ва мутахассислари билан суҳбатлашди.

А. Н. Косигин Днепрорти территориал ҳўжаликлараро ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Могилевда В. И. Ленин номидаги синтетик тола комбинатида бўлди.

А. Н. Косигин шу куни кечқурун Минскка келди.

(ТАСС).

АНДИЖОН областининг улкан пахта хирмонига илғор механизатор, бригада бошлиғи ва кўпминг килограммини теримчилар катта улуш қўшишди. Суратларда: (чапдан) мавсумда 12 тоннадан ошириб «оқ олтин» терган Пахтаобод районидаги «Правда» колхозининг моҳир теримчиси Малоҳатхон Содиқова, гектаридан 45 центнердан хирмон ютарган, мавсумда 400 тонна пахта терган шу колхоз бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турдихон Тўхтабоева ва шу хўжалиқнинг илғор кўпминг килограммини теримчиси Муаззамхон Исроиловаларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

Л. И. БРЕЖНЕВ УКРАИНА ССР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Киевга келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 11 ноябрда Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари билан учрашди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушецкий, Республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида Украина партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар тўғрисида, республика меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида ахборот бердилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республика меҳнаткашларининг саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта ютуқларини, улар мамлакат экономикасига катта ҳисса қўшаётганликларини қайд қилди. Ватан омборларига бир миллиард пуддан ортиқ ғалла топширган Украина ғаллакорларининг муваффақиятларини юксак баҳолади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари оммаанинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ошириш соҳасида республика партия ташкилотининг актуал вазифаларига тўхталиб ўтди, тўқкизинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли равишда бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш муҳимлигини таъкидлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев иштирок этдилар. (ТАСС).

ЎРТОҚ ИОСИП БРОЗ ТИТО КИЕВГА КЕЛДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг Раиси Иосип Броз Тито рафиқаси Йованна Броз билан бирга КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дўстлик визити билан 12 ноябрда Совет Иттифоқига келди.

Югославия Коммунистлар Союзи Президиуми Ижроия бюросининг секретари Стане Доланц, Иттифоқ Ижроия вечаси раисининг ўринбосари, ЮСФР ташқи ишлар Иттифоқ секретари Милош Минич, Сербия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг Раиси Тихомир Влашкалич ва бошқа расмий кишилар Иосип Броз Тито билан бирга Киевга келдилар.

ЮСФР, СССР ва Украина ССР давлат байроқлари билан безатилган Киевдаги Борисполь аэропортида ўртоқ Иосип Броз Титони ва унинг ҳамроҳларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари — Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушецкий, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко ,КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. И. Степаков, Украина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, Украина ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика министрликлари ва идораларининг, Киев шаҳри ва области партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ЮСФРнинг СССРдаги элчиси Милорад Пешич бор эди.

Учиш майдонида қуролли кучларининг уч тури — пиёдалар, учувчилар, денгизчилардан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. ЮСФР ва СССР Давлат гимнлари жўр этилди.

Иосип Броз Тито, Л. И. Брежнев ва В. В. Шчербицкий ўртоқлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Киев меҳнаткашларининг вакиллари аэродромда Л. И. Брежнев билан Иосип Броз Тито ўртоқларни самимий табриклардилар.

Киев шаҳрининг автомашиналар кортежи юриб ўтган кўча ва майдонлари ЮСФР, СССР ва Украина ССР давлат байроқлари билан, «Хуш келибсиз, азиз югославиялик дўстлар!», «Яшасин Совет Югославия дўстлиги!», «Югославия Социалистик Федератив Республикасининг халқларига қардошлик саломи!» сўзлари ёзилган табрик транспарантлари билан безатилган эди. Неча юз минглаб киевликлар Л. И. Брежнев билан Иосип Броз Тито ўртоқларни самимий табриклаб турдилар.

(ТАСС).

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида

1973 йил 12 ноябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада: бир кунда	Шу жумладан машинада: мавсум бошидан
Сирдарё	0,14	122,20	0,04	136,09
Андижон	0,11	114,93	0,08	136,34
Тошкент	0,07	113,07	0,02	116,09
Қашқадарё	0,12	112,60	0,13	104,15
Сурхондарё	0,14	112,20	0,11	108,24
Наманган	0,29	109,94	0,04	149,68
Самарқанд	0,18	108,53	0,02	134,51
Фарғона	0,24	106,94	0,07	121,17
ҚҚАССР	0,16	105,77	0,06	107,37
Хоразм	0,09	104,75	0,10	101,76
Бухоро	0,16	87,46	0,31	97,71
Республика бўйича:	0,15	108,94	0,09	121,14
Шу жумладан энгичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,28	100,82		
Қашқадарё	0,22	100,78		
Бухоро	0,36	42,91		
Республика бўйича:	0,29	96,30		

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК!

Узбекистон ССР қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари 1973 йилнинг 10 ойи мобайнида пудрат қурилиш-монтаж ишлари планини бажарганликлари тўғрисида маълумот

(Биринчи стун — 10 ойлик планнинг бажарилиш процанти, иккинчи стун — 1973 йил 10 ойлик планнинг 1972 йилнинг 10 ойлик планига нисбатан процент ҳисобида).

— Автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министрлиги	109,0	96,0
— Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	104,0	112,0
— Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	104,0	102,0
— «Узглавводстрой»	103,0	112,0
— «Узколхозстрой»	103,0	110,0
— Қишлоқ қурилиши министрлиги	100,1	107,0
— «Главташкентстрой»	99,3	98,0
— Қурилиш министрлиги	95,0	107,0

Умуман республика бўйича 1973 йилнинг январь-октябрь ойларида 1972 йилнинг январь-октябрь ойларидагига нисбатан давлат марказлаштирилган капитал маблағлари 11 процент кўп ўзлаштирилган ва қурилиш-монтаж ишлари шунча кўп бажарилган.

* * *

Ноябрь — йилнинг охиргисидан олдинги ой. Қурилиш ва монтаж ташкилотлари қурилиш қисмини ва ускуналарни монтаж қилишни ноябрь ойида тўла тўкис тугаллашлари, декабрь ойида тайёр маҳсулот ола бошлаш учун ускуналарни созлашга топширишлари лозим.

Ишга туширилади ган қурилишларга алоҳида эътибор бериш зарур. Бундай қурилишларда тасдиқланган графиклардан орқада қолиш ҳоллари бор. Қурилиш министрлиги билан «Главташкентстрой» ташкилотларининг иши анча яхшиланиши лозим. Бу министрлик ва «Главташкентстрой» ишга туширилади ган объектларни фойдаланишга топириш ва пудрат қурилиш-монтаж ишлари ҳажми жиҳатидан орқада қолишга йўл қўйди.

ГВИНЕЯ-БИСАУ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СССРга ВИЗИТ ҚИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Эришилган келишувга мувофиқ, Гвинея-Бисау Республикаси давлат кенгашининг раиси, Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси бош секретарининг ўринбосари Луис Кабрал бошчилигидаги республика партия-давлат делегацияси 19 ноябрда расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

Республикамиз саноат корхоналарининг коллективлари тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан якунлаш учун шижоат кўрсатиб ишлаётирлар. Суратларда: (чапдан ўнгга) 1. Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг илғор ишчиси З. Медетова. Бу меҳнатсевар аёл шу кунларда 1974 йил ҳисобига иш бажаряпти. 2. Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг пешқадам мис эритувчиси Х. Латипов.

И. Глауберзон фотолари.

Деҳқон бўласанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида

12 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар; иккинчи стун—ҳайдалган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун — планнинг бажарилиш процанти

Хоразм	4,0	50,3
Тошкент	100,3	47,7
Самарқанд	67,5	28,5
Сирдарё	70,3	24,2
Фарғона	20,7	20,9
Наманган	20,1	14,9
Андижон	17,9	10,2
Бухоро	18,2	10,0
ҚҚАССР	5,9	8,7
Сурхондарё	11,5	8,2
Қашқадарё	9,2	6,5
Республика бўйича:	345,6	20,5

ҚАНОТЛИ ОРЗУЛАР

Ҳазорбоғ — мевали боғлар, ранг-баранг гуллар, манзарали дарахтлар маскани. Кафтдек текис йўллар, сўлим хиёбонлар, кўркам иморатлар кўзни қувонтиради. Кўз илғамас пахтазорларни айтмайсизми, поёнсиз уфқларга туташиб кетган. Маданият ва истироҳат боғининг ўртасида нақшдор қизил чойхона, ёнма-ён қад кўтарган бино— дала шийпони. Шу кунларда Ҳазорбоғ томон қадам ранжида қилган киши ажойиб манзараларнинг шоҳиди бўлади — ишкомлардаги хилма-хил узумлар кўзни қамаштиради. Шохларга маржондек чизилган беҳилар ялт-ял товланади. Боғбон сохибкорларнинг қўли қўлига тегмайди, мева, узум ортилган машиналар тайёрлов пунктлари сари ошиқади.

— Мева йиғими кечикибдими? — сўрадик бўлим бошқарувчиси Бобохон Холовдан.

— Куз аёзини есин дедик, — жавоб қилди у, — ширасига-шира қўшилади. Пахтани теріб бўлдик, гал мевага келди.

Ҳа, пахтакор деҳқонлар юз гектарлик майдондаги дурдонани теріб олишди, 36 центнердан хирмон кўтаришди. Пайкалларда ғўзапоя юладиган механизмлар ишлаяпти, тракторлар ерни шудгорлаяпти. Меҳнат аҳли келаси йил мўл ҳосилига ҳамиртуруш ташлаш билан банд.

Ҳазорбоғда бўлган киши етти саккиз йил муқаддам бу жойлар тақир чўл эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Чўлқуварлар ирода, ақл заковати ва бунёдкорлик меҳнати билан Ҳазорбоғ массивидан минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Шундан юз гектарида «оқ олтин» етиштириляпти. Уч юз гектари маккажўхорзор, икки юз гектари бедазор, қолгани ғалла, полиз экинлари, лавлагига аталган, чорвачилик комплекси ҳам шу жойга қурилган, боғ-роғларни кўз илғамайди.

Ҳазорбоғнинг ўтмишдаги тарихи билан қизиқдик. Совхоз директори Ҳамро Саидов бу жойда мингта боғ бўлганлигини айтди. Лекин сувсизликдан боғлар ўтин зорга айланган, боғбонлар чорасизликдан боғларни ташлаб кетган. Чўлқуварлар иродаси билан янги канал қазилиб, сув келтирилди. Бугун Ҳазорбоғ каналида лим-лим зилол сув оқяпти. Сув ташландиқ чўлни уйқудан уйғотди, кўксига ҳаёт уруғи сепиш имкониятини яратди.

Чўл қувлаган киши орзусига эришади, муроди ҳосил бўлади. Ҳазорбоғликлар шу йўлдан борди. Лекин йўллар нотекис эди, меҳнати кўп бўлди. Бунинг устига з жазирамаси, иссиқ шамол, қаҳратон қиш совуғи ҳар қадамда ғов бўлди. Лекин чўлқуварлар ҳам бўш келмади. Ёз иссиғини камайтириш, чўғини сўндириш учун сув келтирди, шамолнинг йўлини ихота дарахтлар билан тўсди.

Энди чўлгинг кўксини безаш, унга ароиш бериш керак эди. Пахта унга сеп, ишкомлар, мевали боғлар бўйнига тақилган маржон бўлди, кўм-кўк бедазорлар, маккажўхоризорлар, лавлагизорлар қора ҳолдек туюлади.

Ҳазорбоғ чўли одамларни оташ ўтида тоблади, чиниқтирди, қийинчиликлар олдида саросимага тушмасликка ўргатди, айни кезда шуҳрат келтирди. Илгари Мукаррама Фузайловани ким танирди? Меҳнатсевар аёл чўлга келди-ю, эл-юртга танила бошлади. Дастлаб пахтачилик бригадасига бошчилик қилди, планларни бажариб, ишни дўндирди. Уни салкам минг гектарлик бўлимга бошлиқ қилишди. Одамларни жой жойига қўйиб, техникага таяниб, ҳосилдорликни гектар бошига ўттиз центнердан оширди. Бугун опа бошчилик қилаётган бўлим ҳосилдорликда ҳам, машина теримида ҳам карвонбоши! Йилига 2800—3000 тонна дурдона тайёрлаяпти. Чўлқуварлар Мукаррама Фузайловани Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди.

Ҳазорбоғда ишчи кучи кам, ишчи хозирча етишмайди.

— Бунинг аҳамияти йўқ, — деди чўлқуварлар сардори Муяссар Барноева, — машиналарга суянамиз, ишнинг оғирини уларнинг гарданига ортамиз. Шунда ишимиз тез, соз битади, маҳсулотнинг таннархи арзонга тушади. Ишчиларимиз техникани бошқаришни билмаса, ўқитамиз, ўргатамиз, нимсонинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Шундай қилинди. Муяссар Барноева бошчилик қилаётган бўлимда чигит экишдан тортиб, пахтани теріб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммаси машиналар зиммасига юкланди. Бўлим ҳар йили ялпи пахта миқдорини ўртача беш юз олти юз тонна кўпайтириб бориб, ҳозир 2 минг тоннаник марраги эгаллади. Ҳосил қўл кучи ишлатилмасдан «эзнгори кемаларда саранжомланяпти.

Партия ва ҳукуматимиз чўлқувар аёлнинг меҳнатларини юксак баҳолади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Муяссар Барноевага республикада хизмат кўрсатган механизатор фахрий унвони берилди. Ҳозир бу бўлим «Октябрь 50 йиллиги» совхозидагина эмас, балки Ромитан районида ҳам пахтачиликни комплекс механизациялаш лабораториясига айланди.

Рунлро Отаев, Кўклам Тожиев, Абдулла Саъдуллаев, Султон Рамазонов, Розиқ Хоновлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари ҳам 38—40 центнерлик марраги эгаллаб, чўлқувар лар нималарга қодир эканликларини амалда исбот этдилар. Шуларнинг тажрибаси асосида Ҳазорбоғ чўлига хужум шиддаткорлик билан давом эттириляпти.

Совхозда ишчи кучи кам дедик. Шу важдан бўлса керак, ҳар бир ишчи камида уч-тўрт хил касбда ишлайди, ҳар жабҳада ўртача бир ярим—икки норма бажаради. Чўлқуварларни шундай қилишга пок виждон, коммунистлик бурчи чорлаяпти. Пахта кўп машаққат билан етиштирилади, пахта ҳам, унинг бир чаноги ҳам дурдона, вақтида йиғиб-теріб олган деҳқон ютади, кечиккан деҳқон ютқазади. Чўлқуварлар буни яхши билади. Шу важдан пахта теріми даврида ғайрат отига қамчини ҳар қачонгидан қаттиброқ босади, уйқуни терк этади, ўт келса — ўтади, сув келса — кечади, охирги граммлар теріб олинмагунча тиниб-тинчимайди.

Бу йил ҳам шундай қилинди. Доиздор механизатор Умар Ражабов машинада 500 тонна «оқ олтин» терди. Неъмат Адизовбуннкердан тўккан дурдона 460 тоннани ташкил этди. Ҳаёт Султонов билан Бахром Ҳожиев 350 тоннаник маррани эгаллашди. Илғор механик ҳайдовчилар сони олтмиштадан ошиб кетди. — Механизаторлар жонбозлик кўрсатиб ишламаганда, — дейди хўжалик раҳбари, — яна икки ойда ҳам пахтани теріб тамомлай олмас эдик, азаматлар совхозимизда тайёрланган 10 ярим минг тонна пахтанинг 5 ярим минг тоннасини «эзнгори кема»ларда теріб бериши. Бир машинанинг мавсумдаги иш унуми 100 тоннадан ошиб кетди.

Биз совхозда бўлган кунимиз Ромитан райони давлатга салкам 58 минг тонна пахта топширгани ҳақидаги хушхабарни эшитдик. Ромитанликлар учун бу жуда катта ғалаба эди. Боиси, йил ғоят мураккаб келди. Ёз ойларида иссиклик ҳарорати 45 даражадан ошиб кетди, ғўзалар қийғос ҳосил тугаётганда 20 кун иссиқ шамол турди, 26 сентябрь куни эса ғўзаларни совуқ урди. Ромитанлик пахтакорлар ана шундай оғир шароитда ўзини йўқотиб қўймадик, вахимага тушмади, партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, меҳнатда жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Бунда пландан ташқари 1500 тонна пахта тайёрлаган «Октябрь 50 йиллиги» совхози миришкорларининг катта ҳиссаси бор.

Эришилган ютуқни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш пахтакорларга хос фазилатдир. Партиямиз ҳам шундай таълим беряпти.

— Бир нуқтада деҳсиниб туриш бизга ярашмайди, — дейди коммунист Барно Асадов, — бу йил бўлимимиз бўйича пландан ташқари 300 тонна пахта тайёрладик, ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналарда тердик.

Совхоз коллективи шуни назарда тутиб, кузги шудгорлашни жадал давом эттиряпти. Кирқ иккита ер ҳайдаш тракторининг деярли ҳаммаси ишга туширилди. Ҳар бир тракторчига конкрет норма белгиланди, ишда сон билан сифат бир-бирига боғлаб олиб бориляпти. Қиска фурсатда 500 гектар пахтазор шудгорланди. Ўғит тўплашга киришилди. Ғўзаполдан тозаланган майдонлар ўғитланиб, сўнгра чуқур шудгорланяпти.

Партия ташкилоти механизаторлар орасида социалистик мусобақани кучайтиряпти. Кунлик нормани ошириб бажарган тракторчиларнинг иш методи оммалаштирилятти, уларга кўчма вимпеллар, пул мукофотлари берилятти.

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг лабзи ҳалол пахтакорлари дилида келаси йил мўл ҳосили орзулари қанот қоқяпти.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШОНЧ

Далаларни айланиб, сабзавоткорлар, соҳибкорлар иши билан таниш-ган, фермада бўлиб чорвадорлар билан суҳбатлашган киши бу хўжалик меҳнаткашлари йилдан-йилга янги ютуқларни қўлга киритаётганликларининг гувоҳи бўлади. Бу ерда ҳосилдорлик ортиб, чорва маҳсулотлари етиштириш кўпайиб бормоқда. Бунда коммунистларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Партия комитети атрофига уюшган 170 нафар коммунист ўзига топширилган ишни сидқидиллик билан бажаради, масъулиятни чуқур ҳис қилади, ишлаб чиқаришни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшади. Партия комитети коммунистларнинг куч-ғайратини, янги-янги резервларни излаб топишга, имкониятлардан тўла фойдаланишга қаратмоқда. Оммавий-сиёсий, ташкилий ва партиявий ишлар жонлантириб юборилди.

Ҳисобот даврида ташкилий-партиявий ҳамда сиёсий ва хўжалик ишларини йиллик перспектив план асосида олиб бориш-га алоҳида аҳамият берилди. Коммунистнинг ўзига топширилган вазифани қандай адо этаётганлиги партком томонидан алоҳида ҳисобга олиб борилди.

Партия йиғилишлари принципиал танқид ва жанговар руҳда ўтадиган бўлиб қолди. Кун тартибидаги масалани муҳокама қилишда коммунистлар ўз фикр-мулоҳазалари билан актив қатнашишга одатландилар. Мажлисда коммунистлар томонидан билдириладиган таклифлар, танқидий фикрлар диққат билан ўрганилиб, йўл қўйилган нуқсонларининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Бу эса партия ташкилоти ҳаётидаги энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Коммунистлар янгидан-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, донгдор сут соғувчи коммунист Мунаввара Исҳоқованинг ибратли ишлари

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

◎

нўпларга намуна бўлди. У ҳар бош соғин сигирдан 5500 килограммдан сут соғиб олиш учун бел боғлаб, ибрат кўрсатди. Унинг чақириғига кўплаб сут соғувчилар лаббай деб жавоб бердилар.

Деҳқончилик соҳасида йилдан-йилга янги марраларни эгаллаб, сабзавот, картошка, мева ва узум ҳосилдорлигининг ортиб боришига ҳисса қўшаётган коммунистлар ҳам кўп.

Партия ташкилоти ҳисобот даврида коммунистик тарбия, кадрларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш, лекция пропагандасини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берди. Бунда ғоявий таъсир кўрсатишнинг барча воситаларидан фойдаланилди. Оммавий-лекция ва суҳбатлар, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш доимий тус олди.

Кадрлар танлаш, уларни ўқитиш ва жой-жойига қўйишдек муҳим, ҳал қилувчи масалага партия комитети принципиал ёндошди.

Бундан уч йил илгари коммунистлардан атиги 16 киши олий маълумот эгаси бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 29 тага етди. 23 коммунист ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда турли хил олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкалари билимдон, малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Ҳозир хўжаликнинг барча тармоқларида 47 олий маълумотли мутахассис ишлаб турибди.

Колхоз коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳисобот доклади қилган колхоз партия комитетининг секретари Н. Саидов ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар эришилган ана шу ютуқлар билан бирга, йўл қўйиб келинаётган камчиликларни ҳам дадил очиб ташладилар. Улар айниқса цех партия ташкилотларига раҳбарликни янада кучайтириш, уларнинг жангсварлик ва ташкилотчилик ролини ошириш зарурлигини алоҳида уқтирдилар.

Колхоз теплицаси цех партия ташкилотининг секретари Тўлқин Юнусов тажрибаларни оммалаштириш масаласига диққат-эътиборни жалб этди.

— Бизнинг теплицамизда ҳам ҳосилдорлик ортиб бормоқда, — деди у, — лекин бу ютуқлар кўнгилдагидек эмас. Фикримизча, мамлакатимизда энг юқори ҳосил олаётган теплица хўжаликларининг тажрибасини ўрганиш учун мутахассисларимизни юбориб туришимиз керак. Хўжаликнинг тараққий этишига фойдаси тегадиган янгиликларни кенгроқ оммалаштиришда партия комитети ташкилотчилик кўрсатиши лозим.

Шунингдек, музокарада сўзга чиққан С. Ғуломов, М. Абдиев ўртоқлар ҳам коммунистнинг бурчи ва масъулияти масаласида ўз фикрларини ўртага ташладилар.

Колхоз касаба союз ташкилотининг раиси М. Жалилов социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан қандай иш олиб борилаётганлиги ҳақида сўзлади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия сафларини ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига ўстириш, жамоат ташкилотларига раҳбарликни янада яхшилаш, беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йили учун зиммага олинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис ado этиш юзасидан нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида ҳам кўпгина фойдали фикрлар айтилди.

Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида колхоз партия комитетининг 11 кишидан иборат янги состави сайланди. Н. Саидовга яна катта ишонч билдирилди. Уни яна партком секретари қилиб сайладилар. Ҳисобот-сайлов йиғилишида район партия конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

Н. РИХСИЕВ,
А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Оммавий-сиёсий ишлар бурчаги

Дала шийпони — колхозчиларнинг иккинчи уйи, хордиқ маскани, оммавий-сиёсий ишлар маркази. Чуст районидаги «Москва» колхозининг Қаюмжон Шералимов бошлиқ бригадаси партия ташкилотининг бу борада қилаётган иши намунали бўлмоқда. Бу ерда колхозчиларнинг унумли ишлаши ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароит яратилган. Дала шийпонида оммавий-сиёсий ишлар бурчаги ташкил этилган. Унга турли брошюралар, бадиий-сиёсий китоблар, газета ва журналлар қўйилган. Бу ерда лекторлар, агитатор ва сиёсий ахборотчилар ўқийдиган лекциялар ва суҳбатларнинг бир ойлик плани ва тематикаси ёзилган дафтарлар ҳам бор. Шунингдек, оммавий-сиёсий ишлар бурчагида ҳар ҳафтада бир марта «Чақмоқ» ва «Жанговар варақа»лар чиқариб борилади. «Москва» колхози партия комитети Қ. Шералимов бошлиқ бригада партия ташкилотининг тажрибасини кенг жорий қилиб, барча бригадалардаги дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни кучайтирмоқда.

Партия группалари

Областнинг йирик ва сертармоқ хўжаликларидан бири — Задарё районидаги «Гулбоғ» совхози партия комитети кейинги вақтда сон жиҳатдан ўсди ва мустаҳкамланди. Ҳозир унинг ҳисобида 225 коммунист бор. Партия комитети ишлаб чиқаришга раҳбарликни янада кучайтириш, партиявий иш самарадорлигини ошириш мақсадида бригадаларда янги партия группалари тузмоқда. Яқинда учинчи бўлимнинг 6. еттинчи бўлимнинг 3-бригадаларида янги партия группалари ташкил топди. Совхозда партия группаларининг сони 14 тага етди.

Атеист лекторларга ёрдам

Область марказий кутубхонасининг ўқиш залида «Атеист лекторлар учун» китоб кўргазмаси очилди. Унга атеизм масалаларига доир турли адабиётлар, ўқув қўлланмалари, суҳбат ва нотиқлик методикасига доир китоблар қўйилган. Улар орасида СССР Фанлар академияси нашр этган «В. И. Ленин черков ва дин ҳақида», «В. И. Ленин ва атеизм проблемалари». Р. Мавлудовнинг «Ислом», Б. Марямовнинг «Осмоннинг забт этилиши», И. Дьяковнинг «Худоларнинг ўзлари ўлмайдилар» каби 30 дан ортиқ асарлар ҳам бор. Бу китоб кўргазмаси атеизм темасида лекция ўқийдиган партия ва комсомол активларига катта ёрдам берялти.

Спортга эътибор

Наманган район партия комитети бюроси Оржоникидзе номли колхозда физкультура ва спорт ишлари аҳволини муҳокама қилди. Бу хўжаликда спортнинг беш тури бўйича разрядли 24 спортчи тайёрланган. Колхозчи ёшлар, мактабларнинг юқори синф ўқувчиларидан 400 дан ортиқ йигит-қиз ГТО нормасини топширди. Бироқ, колхозда физкультура ва спортни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароит талаб даражасида эмас. Бу ерда спорт тўгараги ташкил этилмаган. Райком бюроси колхоз партия ташкилоти эътиборини ёшларни жисмоний тарбиялаш, спорт ҳаракатини ривожлантиришга қаратиб, конкрет қарорлар қабул қилди.

Ҳужжатлар алмаштириляпти

Партия ҳужжатларини алмаштириш Наманган шаҳар партия ташкилотларида сиёсий ва меҳнат активлигини кучайтириб юборди. Бошланғич партия ташкилотлари асосий эътиборни коммунистлар активлигини янада ошириш, талабчанликни кучайтириш, ҳар бир партия аъзоси ва аъзолиққа кандидатнинг КПСС Устави талабларига қатъий амал қилишини таъминлашга қаратмоқдалар. Шу кунгача шаҳардаги 67 та бошланғич партия ташкилотида партия ҳужжатлари алмаштириб бўлинди. 1600 дан ортиқ коммунист янги нусхадаги партия билети олди. Ҳужжати алмаштирилган коммунистлар ўзлари ишлаётган жойда ўз ҳамкасбларига намуна кўрсатиб меҳнат қиляптилар.

Социалистик мусобақа якунланганда

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили вазифаларини муваффақиятли бажаришда социалистик мусобақа муҳим роль ўйнаяпти. Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз партия комитети социалистик мусобақани кенг ташкил этишда турли воситалардан фойдаланмоқда. Тўққизинчи бригадада «Социалистик мусобақа шартларини қандай бажаряпсиз» деган китобча ташкил этилди. Бу китобчага бригада аъзоларининг рўйхати ҳамда уларнинг олган социалистик мажбуриятлари ёзиб қўйилган. Бригада партия ташкилотининг секретари Каримжон Абдуллаев ҳар беш кунда мусобақа якунларини шу китобчага ёзиб боради. Агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар мусобақа якунини тушки дам олиш пайтларида ўтказадиган суҳбатларида атрофлича тушунтириб берадилар. Бу эса пахтаорлар орасида социалистик мусобақани янада авж олдиришга ёрдам берялти. Колхоз партия ташкилоти ҳозир барча бригадаларда ҳам ана шундай китобча ташкил этмоқда. Учқўрғон район партия комитети Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг бу ташаббусини маъқуллади.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

ГУЛ ДИЁРИМ БОР МЕНИНГ...

ФОТООЧЕРК

◎

Фарғона — Ўзбекистоннинг жазирама водийси. Бебаҳо оқ олтини, кумуш толаси, ширин-шакар меваси, тилни ёрар узумлари, ҳар бири пиёладек анорлари таърифи оламга машҳур. Бири биридан обод қишлоқ ва ишчи поселкалари, равон йўллар, ариқларда шилдираб оқаётган зилол сувлар завқингизни оширади. Бу ерда бир бор бўлган киши унинг умрбод мафтуни бўлиб қолади.

Қуёш билан суҳбатлашаётган адл тоғ тизмалари қавасингизни келтиради. Тоғдан шалола бўлиб оқиб тушаётган зилол сув одамларга умр, момо ерга жон бағишламоқда. «Оқ олтин» хирмони йил сайин кўкка бўй чўзаётганида табиатнинг саҳоваті озмунча бўлмаётир.

Узбекистон районидаги Ленин номли колхоз қишлоғи ҳам областдаги бошқа хўжаликлар қатори кун сайин чирой очмоқда. Ўзбекистон Информация агентлигининг фотомухбири Равил Шамсиддинов билан шу хўжаликда бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

Мана бир неча йилдирки, колхоз азаматлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда областда пешқадам бўлиб олди. Хўжалиқнинг асосий бойлиги — пахта. Пахта етиштириш эса йил сайин ошмоқда. Шуниси қувончлики, механизация деҳқоннинг оғирини енгил қилмоқда.

Колхоз аъзолари 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан планда белгиланганидан 2 центнер ортиқ, яъни 42 центнердан хирмон кўтаришди. Йиғим-терим олдиндан белгиланган пухта график асосида ўтказилиши туфайли нобудгарчиликка йўл қўйилмади.

Механизаторлар — республикамиздаги етакчи дала гвардиячиларининг мамлакатнинг барча пахтакорларига қарата ёзган ва КПСС Марказий Комитети маъқуллаган мактубини қизғин қўллаб-қувватлаб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишди. Ҳар бир машинани унумли ишлатиб, сафар маррасини тезроқ эгаллашда намуна бўлишди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича маҳсулот сотиш планлари ҳам ошириб ado этилди.

Хўжаликка колхоз ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчиси коммунист Ризолатой Эргашева бошчилик қилмоқда. Суяги меҳнатда қотган бу деҳқон қизи ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, колхоз экономикасини юксалтиришда бош-қош бўлмоқда. Ҳалол меҳнат унга обрў, шуҳрат келтирди. Партия ва ҳукуматимиз унинг кўксига Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони нишони — Олтин Юлдуз медалини тақиб қўйди.

— Хўжалигимиз нималики ютуқларга эришган бўлса, буларнинг ҳаммаси коллектив меҳнатининг меваси, — дейди колхоз раиси.— Правление ва партия комитети аъзолари колхозчилар билан биргаликда экономикани ривожлантириш режаларини белгилаб олмоқдалар.

Хўжалик раҳбари аёл киши эмасми, биринчи галда аёллар ҳақида қайғуради. Типовой болалар боғча ва яслилари, тўлиқсиз ва ўрта мактаб бинолари қурилишига шахсан ўзи оталик қилади. Касалхона, амбулатория, бошқа хизмат кўрсатиш муассасалари иши шаҳарлардагидай бўлиши учун жон куйдиради. Клуб ва кинотеатрлар колхозчилар хизматида.

Ушбу фотоочеркда колхоз ишлаб чиқаришининг жонкуяр хотин-қизлари фаолияти ҳикоя қилинади. Ойшахон Йўлдошева узоқ йиллар пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Мўл ҳосил етиштиришда муттасил юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Ҳозир у Мингтут қишлоқ Советининг раиси. Илгари бригада коллективи ҳақида жон куйдирган бўлса, эндиликда катта бир қишлоқ халқи ҳақида ўйлаши керак.

— Кейинги тўрт-беш йил ичида қишлоқ қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди, — дейди қишлоқ Советининг раиси. — Меҳнат аҳли бир ёқадан бош чиқариб, қишлоқни қайта қуришга отланди. Мана энди қишлоғимизда бўлган киши уни анча-мунча шаҳардан ажратолмайди.

Мана, колхоз раиси Ризолатой Эргашева билан қишлоқ Советининг раиси Ойшахон Йўлдошева. Икки Қаҳрамон колхоз ва қишлоқ экономикасини юксалтиришда озмунча тер тўкдими. Колхознинг бошқа аъзолари уларнинг меҳнат эстафетасини дадил давом эттиришга шай туришибди. Обидахон Абдулазизовани қишлоқ луқмони дейишади. Бу бежиз эмас. Қишлоқда касаллик тобора камайиб бораётган экан, бунда ўз ишининг устаси Обидахоннинг ҳиссаси катта. Еки бўлмаса Маҳбуба Усмоновани олайлик. Ёш авлодга илм беришда вақтини, билимини сира аямайди. Шунинг учун ҳам мактабдагилар уни бир сўз билан «устоз» деб аташади.

Колхоз хотин-қизлари ана шундай меҳнат қилишмоқда. Уларнинг олижаноб ишида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Т. УНАБОЕВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбири.

Фарғона область,
Ўзбекистон райони

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

НАМАНГАН, 12 ноябрь. (ЎзТАГ). Наманган область партия комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида область партия комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимовнинг жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш юзасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги доклади муҳокама қилинди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли резолюция қабул қилинди.

Пленум навбатдаги область партия конференциясини 1974 йил январь ойида чақиришга қарор қилди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Пленум В. П. Куксенко бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси лавозимларидан озод қилди. А. П. Петров Наманган область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленумда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов нутқ сўзлади.

А. П. КИРИЛЕНКО ДОКЛАДИНИНГ ТЕКСТИ АЛОҲИДА БРОШЮРА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Ўртоқ А. П. Кириленконинг «Октябрь иши партия ва халқ бунёдкорлигида яшамоқда» деган доклади текстини алоҳида брошюра қилиб боемадан чиқарди. Ўртоқ Кириленко Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллигига бағишлаб 1973 йил 6 ноябрда Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда доклад қилган эди.

Брошюра кўп нусхада нашр этилди.

(ТАСС).

АВИАТОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилини меҳнатда юксак муваффақиятлар билан якунлаш учун авж олдирилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Меҳнат Қизил Байроқ ордени Узбекистон граждан авиацияси бошқармаси ишчи, инженер-техник ходимлари муттасил яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Халқ хўжалиги юклари ва пассажирлар ташиш бўйича топшириқлар ошириб бажарилмоқда. Шу муносабат билан СССР Граждан авиацияси министрлиги ва авиация ходимлари касаба союзи марказий комитети 1973 йилнинг учинчи кварталида Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини қараб чиқиб, Узбекистон граждан авиацияси бошқармасини кўчма Қизил байроқ ва биринчи пул мукофоти билан тақдирлади. Бу юксак мукофот республика авиаторларини янада ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлашга ундамоқда.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

ИЛЬИЧГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ

Улуғ Октябрь байрами арафасида Фарғона нефть химикларининг ишчи шаҳри Қирғулида пролетар революциясининг доҳийси Владимир Ильич Ленинга ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Шонли воқеа муносабати билан кўп кишилик митинг бўлди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи давлати бунёдкори — жонажон Ильич тўғрисида, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ҳақида самимий гапирдилар.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТГА

Узбек шоирининг қадимий пойтахти Маргилон шаҳрида меҳнаткашларнинг қувончли байрами — Улуғ Октябрнинг 56 йиллиги арафасида Узбекистон ССР-нинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевга ўрнатилган ҳайкал тантанали суратда очилди. Ҳайкал ёнида кўп кишилик митинг ўтказилди.

Маргилонликлар ҳайкал супасига гуллар қўйишди. (ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

Югославия йўлларида советлар диёрида тайёрланган автомобилларни кўплаб учратиш мумкин. ГАЗ, МАЗ, «Жигули», «Москвич», «Запорожец» машиналарининг шоферлари бу йўлларда учрашиб, бир-бирларини машина сигналлари билан табриклашадилар.

Дўстлигимизни фақат совет машиналари ва советларда ишланган юқори сифатли маҳсулотларгина ифода этмайди, СССР верфаларида қурилган кемалар бизларнинг Дунай дарёларимизда қатнаб туриши ҳам қардошлигимизнинг буюк ифодаси ҳисобланади. Югославия ўзининг ички ва халқаро йўлларида совет «ТУ-134» самолётларидан кенг фойдаланмоқда.

Совет завод ва фабрикаларининг Югославияга чиқараётган маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозир Югославиянинг далаларида советларда ишлаб чиқарилган тракторлардан 11 мингтаси, кон ва қурилишларда 300 дан ортиқ экскаватор, саноат корхоналарида 16000 турли дастгоҳ ва механик-жараёнлар, босмахоналарда 650 полиграфия машиналари ишлаб турибди. Югослав харидорлари совет ишчиларининг қўллари билан яратилган 300 минг фотоаппарат, уч ярим миллион дона соат сотиб олдилар.

Ҳамкорлик самаралари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. СССР ЮФСРнинг буюртмачиларидан бири ҳисобланади ва рўйхатда биринчилардан. Совет—Югославия товар оборoти ўтган олти ой ичида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 28 процент ўсди.

Ривожланиб бораётган ҳамкорликка 1972 йилнинг ноябрида имзоланган Совет Иттифоқининг Югославияга иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши катта ҳиссалардан бири бўлиб қўшилди. Ана шу битимга мувофиқ СССР Югославиянинг 92 корхонасини, қора ва рангли металлургиясини, кўмир ва нефтни қайта ишлаш корхоналари, машинасозлик, кемасозлик ва қурилиш материаллари корхоналарини реконструкциялаш имкониятини беради. Ҳозирги вақтда Югославияда совет-югослав ҳамкорлигининг йўлчи юлдузларидан ҳисобланган объектлардан 30 дан ошиги фойдаланишга топширилди. Улар орасида Дунайдаги «Жердап» гидроэнергетика ва кемалар қатнайдиган системалар, Смедеревский металлургия комбинатининг биринчи навбати, Зеницадаги металлургия заводларида қад кўтараётган йирик объектлар, «Сисак», «Обреновец», «Косово»даги зўр қувватли электр станциялар ва бир қатор шу кабилар бор. СССРнинг техникавий ёрдами билан рангли металлар қазилма бойликларини қазиб олиш ривожланиб бормоқда. Бир қатор конлар қурилиб, реконструкция қилинганидан сўнг бу қимматли хомашёни қазиб чиқариш йилига 2 миллион тонна яқин кўпаяди.

Икки мамлакатнинг мутахассислари қўлни-қўлга бериб, бу объектлар қурилишида ҳамкорлик билан меҳнат қилишмоқда. Совет мутахассисларидан 120-150 га яқин инженер ва техниклар ЮФСРга йўлланма билан юборилади. Улар техника ҳамкорлигида олиб борилаётган ерларда бўлиб амалий ёрдам берадилар. Югослав ишчи ва мутахассисларидан ана шунча нафар киши СССРга келиб, ҳар йили стажировкалардан ўтиб қайтишади.

Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги икки томонга ҳам катта нафи тегаётир. Югославияга Совет Иттифоқидан машиналар, дастгоҳ, ускуна, кенг истеъмол моллари экспорт қилинса, СССР Югославиядан қўрғошин, боксит, автомат телефон станциялар, кучланувчи трансформаторлар, карель, денгиз ва дарё кемалари, тикувчилик ва трикотаж буюмлари ва бошқа товарлар олади..

1966 йилдан 1970 йилгача Югославиянинг верфаларида Совет Иттифоқи учун 66 та турли кемалар қуриб берилди. Беш йиллик савдо битимига мувофиқ совет буюртмаси билан яна турли 49 та пассажир кемалари, буксир ва танкерлар тайёрланади. Совет байроқларини таққан кемалар Югославиянинг Риеки, Сплит, Белград ва бошқа портларидан буюртмачиларга етиб боради.

Совет-югослав экономик алоқалари йилдан-йилга янгиланиб, мазмунан бойиб бормоқда...

А. ШЕРСТЮК,
АПН махсус мухбири.
Белград.

ПАХТАЗОР ГВАРДИЯЧИЛАРИ

Республикамиз меҳнаткашлари иккинчи довонга яқинлашдилар. 4 миллион 850 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони тиланмоқда. Ленин ҳали пахтазорларимизда ҳосил бор. Сўнгги чаноқлардаги ҳосилни йиғиб-териб олиш янада кучайтирилмоқда. Бу ишда механизаторлар зардоб куч бўлди ва шундай бўлиб қоладилар. Кўпгина ватанпарвар механик-ҳайдовчилар бу йил мавсумда 500 тоннадан тортиб, 1000 тоннагача машиналар бункеридан пахта тўкишди. Бу — рекорд кўрсатгич, албатта. Суратларда: Ўзбекистоннинг юксак пахта хирмонини бунёд этишда муносиб улуш қўшаётган донгдор механик-ҳайдовчилар: (юқоридан пастга). Чиноз районидаги Киров номли колхозининг комплекс механизациялашган пахтачилик бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова; Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Обиджон Акбаров, Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозидан Ғулжон Нуруллаева, Дўстлик районидаги Ленин номли совхозда Тўлан Дадажоновларни кўриб турибсиз.

Қ. Розиқов, (ЎзТАГ),
Д. Рўзиматов ва А. Тўраев фотолари.

ТАЪЗИМ

Раҳмат ФАЙЗИЙ

...Москвалик дўстим бор. Еши бир ерга бориб қолган, баобрў хизматчи. Хотинч ҳам ишлайди. Бекаму-кўст, тинч яшашади, икки куёв кўрган, неваралари бор. Бору, ҳаммаси қизалоқлар. Катта невараларининг бўйи етиб қолган. Ҳадемай эвараси ҳам бўлишади. Узоқнинг иши қийин. Борди-келди камроқу, аммо телефон, телеграф, почтанинг дастёрчилиги дўстлик меҳрини ошириб-тошириб туради. Бунинг устига, Москвада таълим олиб, илмий ишини давом эттираётган ўғлимиз оиламизнинг «фавқулодда ва мўхтор элчиси» сифатида дўстимизнинг хонадонида тез-тез бўлиб туради. Айниқса байрам кунлари ва ёки бирон оилавий маросим бўлиб қолса, меҳмонларни ўзбек миллий таомларидан тайёрлаб, знёфат қилишда бош-қош бўлади. Дўстимизнинг хонадонига ташриф буюрган меҳмон аввало палов, манти ва ёки чўзма лағмонни мақташса, кейин ўзбекларда энг лаззатли таомни ҳам эркаклар тайёрлай олишини мамнуният билан гапиришади. Шундай ўтиришлардан бирида ўғлимдан сўраб қолишибди.

—Кимингиз бўлади?

—Отам, —деб жавоб берибди дўстимизнинг номини айтиб ўғлим.

—Қизиқ. Сиз?

—Ҳа. Мен ўзбекман. Бу киши руслар.

—Шундай бўлганидан кейин қайси жиҳатдан сизга ота бўлади?

—Отамнинг, яъни менинг дадамнинг қиёматлик дўстлари бўлганидан кейин, менга ким бўладилар? Ота бўларларми, ахир?

—...

—Бобомнинг оналари иккем юзга кириб оламдан ўтдилар. Шу киши айтдилар: қиёматли дўст —ога-ини, эгачи-сингил мисоли. Инчинун ота, онага тенг, дердилар. Шу-шу...

—Папам, денг...

Бир чеккаси, боя айтганимдай, дўстимизнинг кўнгли ярим эмасми. Ўзи болажон, бунинг устига ўғил болаларни кўпроқ яхши кўради. Аксга олиб, кўрмайсизми... Хотинига ҳам ҳайронман, биттагина ўғил туғиб берақолса нимайди, дейман. Қизларини айтмайсизми, улар ҳам онага тортгандирда, битта невараси ўғил бўлганида ҳам дўстим анча овунардими. Барака топсин, ўғлим, дўстимнинг шу нозик ғамонини — кўнгли ярмлигини билиб, худди ўзининг уйига кириб боргандек кириб боради, папа, мама, дейди. Яна бунинг устига, гоҳо олдига пешбанд тутиб олиб, ошхонага кириб кетса, кафтгирнинг овози жарангласа... Бошлари осмонга етиб кетса керак, дейман. Ишқилиб, ҳар телефонда, —мана бу тўғридан-тўғри гаплашиш жоннинг ороми бўлди-ку, ботбот гаплашамиз, —оғзидан боп томиб, дуо қилгани-қилган. Уйлантирсак, албатта тўйига келиб, ўзлари бош-қош бўлиш ниятлари борлигини қайта-қайта айтишади... Уларнику қўяберинг-а, ўзимизни айтинг, дастурхонга бирон тансиқроқ таом қўйилдими, дарров ўшаларни эслаймиз, ўзимиздан ўтмайди, қани энди, ўғлимиз билан бирга эр-хотин ҳам эшикдан кириб келишса деб, насиба атаймиз... Куз ўтиб борялти. Оғизлари тегиб қолсин деб мана буларни юбораяпман, —деди иккита қирқма билан бир тўрхалта анорни кўрсатиб.

Ўтган ҳафта, Тошкент аэропортида бир танишим билан бўлиб ўтган бу суҳбатнинг газета саҳифасига олиб чиқадиган бирон қизиқ жойи, ибратли томони йўқ, албатта. Бизнинг кунларда, ҳаётимизда ҳар куни, ҳар қадамда бўлиб турадиган оддий воқеа, турмушимиз, одамгарчилигимиздаги иқирчиқирлар. Буларга биз тонг отиб, кун ботишига ўргангандек ўрганиб қолганмиз. Бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Бироқ хорижий юртда, ёки хорижийлар бизнинг юртимизга келишганида шу каби воқеани айтиб берсангиз, ҳайрон бўлиб, елка қисишади. Ҳатто баъзилари, қўлини кўксига қўйиб, уйига меҳмонга таклиф қилган мезбоннинг дастурхони атрофида ўтирса ҳам, шубҳа билан қарайди, ишонқирамайди. Бунинг ҳам ажабланадиган жойи йўқ. Ўз юртларида турмуш тарзи шундай бўлганидан кейин, меҳр-оқибат ҳам шунга қараб-да. Канададек мамлакатнинг Монреал шаҳрида шундай воқеаларни айтиб беришганди: Меҳмонга бормоқчи бўлган одам емишини ёнида олиб борар экан. Бу бегоналарга тааллуқли бўлмай, энг яқин қариндошлар ҳам шундай қилишаркан. Ҳатто янги куёв қайнона-қайнотасиникига бормоқчи бўлса, қанча вақт у ерда бўлишига қараб нонуштасини ҳам, тушлигини ҳам ғамлаб бориши шарт экан. Бу эҳтимол миллий расм, удумдир. Билмадик. Ҳар қалай меҳр-оқибат ҳам шунга яраша бўлса керак.

Бизда, кишиларимизда, меҳр-оқибат, дўстлик сингари энг олижаноб, энг табаррук, энг юксак инсоний фазилатларимиз борки, буни фақат бошқача ҳаёт тарзига қиёс қилгандагина пайқаб қоламиз, холос. Чунки бу каби фазилатлар дил-дилимизга жо бўлиб, қон-қонимизга сингиб кетган, бошқача бўлишини тасаввур ҳам этолмаймиз. Акс ҳолда, ўзбек аёли молдаван мурғагига, кўкрак сутини бермасди, белорус аёли фашистлар босиб олган қишлоқда ярадор бўлган ўзбек солдатини ертўласида яшириб, даволамаган бўларди. Юқумли касалликлар билан олишишда ўзлари ҳалок бўлган врачлар-чи? Бундай мисолларнинг сон-саноғи йўқ.

Дўст бўлиб яшаш халқларимизнинг азалий орзуси эди. Бу орзу бизнинг кунларга келиб социалистик жамиятда рўёбга чиқди, эллар, элатлар, миллатлар, халқлар дўстлиги камол топди, у тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Дўстлик—мамлакат, давлат бойлиги, унинг куч-қудрати, дейди халқимиз. Инсон ҳаёти учун қуёш, ҳаво, сув қанчалик зарур бўлса, инсоният ҳаёти учун дўстлик ҳам шунчалик зарурдир.

Тошкентнинг марказий Пушкин кўчасини кесиб ўтган Хоразм кўчаси чорраҳасида яқинда қурилган бир ҳайкал бор. Улкан Т ҳарфи шаклидаги бу ҳайкалнинг яқинроғига бориб, разм солсангиз бамисоли иккита девқомат йигитнинг мушаклари бўртиб чиққан елка ва билаклари Т нинг икки бағрига кириб, уни кўтариб тургандай, яъни Тошкентни кўтариб тургандай. Зилзила оқибатида вайрон бўлган шаҳар бутун мамлакат, кўп миллатли дўстлар мадади билан тикланганининг тимсоли бўлган бу ёдгорлик ана шу дўстликнинг ёркин ифодасини ўз савлати билан намоён этиб турибди.

Тошкентликларда, кейинги йилларда яна бир одат пайдо бўлди. Улар кўча, маҳалла, хиёбонлар номини, уйларининг номерларини кўпинча қайси республика ёки шаҳар қуриб берган бўлса —ўша ном билан аташади. Кўчада, трамвай, троллейбус, автобусларда шундай гаплар қулоққа чалинади:

— Украиннанинг ёнидан кириб борсанг...

— Сенга нима, Москвада турасан-ку, лип этиб етиб оласан...

—Қозоқ нақшларини кўрганмисан? Ўша уй.

—Ийе, грузинлар маҳалласи дедингизми, қўшни эканмиз.

Белоруслар маҳалласидаги уйларнинг деворига: «Белоруслар қурган уйларда тошкентликларга бахт-саодат ёр бўлсин!» деб ёзиб қўйишибди. Бу лаҳзани ўқиб туриб, бутун бир мамлакат халқининг меҳр-оқибатидан қалблар қувончга тўлади.

Халқимиз юз марта эшитгандан бир марта кўрган маъқул, яна, табиб табибмас, дард чеккан табиб дейди. Дўстлик нимаю, нималарга қодир эканини биз жуда яхши биламиз.

Инсониятга неча-неча асрлардан бери шу нарса маълумки, замбараклар ҳаракатга келган пайтда илҳом сукут сақлайди. Албатта, гап фақат илҳомдагина эмас. Замбараклар ишга тушганда гўдакларнинг беғубор кулгуси тинади. Севишган ёшларнинг дил розини ифодаловчи қалб сўзлари тўхтайди, ғам-аламдан ада бўлган қарияларнинг тили гапга келмай қолади. Аммо етим бўлган гўдаклару бева қолган аёллар фаёд чекади, ғам ва дарддан ҳатто азиз тупроқ —ер ҳам бетиним инграйди.

Биз бу даҳшатларни бировдан эшитган эмасмиз, ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Фашистлар бомбаси тагида фарёд чеккан бизнинг болаларимиз эди. Ғам, алам, дарддан инграган бизнинг она еримиз эди. Мен бу сатрларни ҳар сафар ҳаяжон билан ёзаман. Кўз олдимда мана шу Тошкент, бағрида яшаб турган нуфусчалик халққа бошпана ҳам, туз-намак ҳам бера олган пахлавон Тошкент намоён бўлади. Ёшдирқариди миллатинг ким, оқмисан, малламисан деб ўтирмаган. Тошкентлик темирни, табаррук инсон Шоаҳмад ака ибораси билан айтганда: «Ҳамма миллат болалари бир розия» эди. Турли миллат болаларидан ўн беш ўғил-қизни тарбиялаб воғга етказган бу олижаноб инсон қатрада қуёш акс этгани каби халқлар дўстлигининг ёркин ифодасини ўз оиласи мисолида бутун жаҳонга намоён қилиб кўрсатди. Шомаҳмудов иккам саксон баҳорни кўриб, оламдан ўтди. Аммо, кўп миллатли оилани бирлаштирган хонадон—уй шу табаррук зот номидаги кўчада халқлар дўстлигининг ёркин тимсоли бўлиб, қад кўтариб турибди.

Ёки яна шу Тошкентдаги бошқа кўча, бошқа уйни олайлик. Бу хонадонда ишчи Азимхўжа Исмоилхўжаевлар оиласи истиқомат қилишади. Азимхўжа аканинг икки ўғли фронтда ҳалок бўлган. Бундан етти йил муқаддам ногиҳон табиий офат туфайли шаҳримиз бошига оғир кулфат тушган кезларда севастополлик она-бола Максимовалар ўз жамғармаларига йиғма уй сотиб олиб, худди шу Севостополь ҳимояси учун қурбон бўлган йигитнинг оиласига — Исмоилхўжаевларга тақдим этишди. Ҳозир бу уй ҳам «Октябрь» массивидаги Ильич кўчасида халқлар бузилмас дўстлигининг ёркин тимсолидек қад кўтариб турибди.

Халқимизда «Чинор илдизи билан кучли, одам дўстлари билан кучли» деган мақол бор. Бу мақолни бутун бир халққа нисбатан ҳам айтиш мумкин. Бунинг мумкинлиги ҳам бизнинг даврда, социалистик жамият шароитида мумкин бўлиб қолди, янги мазмун касб этди. Вафодор дўстлари, содиқ қардошлари кўп бўлган халқ кучли, қудратлидир. Биз, ўзбекларнинг беқиёс бахтимиз шундаки, юзлаб ана шунақанги дўстларимиз бор: Бутун мамлакатимиздаги барча халқлар фикр-ўйлари, орзу-умидлари, юраклари нинг уриш мақомини Кремль курантининг мақоми билан ўлчайдиган барча халқлар бизнинг дўстимиз эканлиги билан фахрланамиз.

Биз мамлакатимизнинг улкан дастурхонига, хазинасига биринчи галда «оқ олтин»имизни қўшишимиз билан фахрланамиз. Аммо ана шу тоғдек хирмонимиз фақат деҳқоннинг ва ишчининггина хизмати туфайли эмас, дўстлигимиз туфайли, кўп миллатли турли касб эгаларининг сидқидил меҳнати билан бунёдга келгани билан ҳам ҳақли фахрланамиз. Бу йилги мисли кўрилмаган пахта хирмонимиз, Тошкентда, азиз Леонид Ильич Брежнев иштирок этган пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида берган ваъдамизни шараф билан бажаришимиз ҳам худди мана шу дўстлигимиз кудратли кучи туфайлидир.

Чиндан ҳам. Олам олам бўлиб, замон замон бўлиб, башарият тарихи ҳали бу қадар беқиёс воқеани —юздан кўпроқ миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқли иттифоқини, демакки, халқлар дўстлигини кўрмаган, билмаган ҳам. Бу дўстликни бизга Улуғ Октябрь берди, В. И. Ленин партияси уни тарбиялаб воғга етказди. Бугун биз ана шу қудратли дўстлик, тарих билмаган, жаҳонда мисли кўрилмаган халқлар дўстлигининг ҳаётбахшлигидан баҳрамандмиз. Унинг ҳаётбахшлигини биз ҳамма вақт сезиб, ҳис этиб турамиз. Мамлакатимиз ҳаётидаги бирон бир йирик воқеа йўқки, унда халқлар дўстлиги, биродарлиги намоён бўлмаган бўлсин. Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада халқларимиз дўстлигининг куч-қудратини бутун жаҳон тан олди. Табиий офатдан саксон минг хонадони уй-жойсиз қолган Тошкентимизнинг қайта тикланиб, қад ростлашида халқлар дўстлиги, биродарлиги нималарга қодир эканини ҳам бутун олам кўрди. Тошкентимизни бугун дўстлик шаҳри деб атасак жудаям ярашади, бу билан ҳам фахрланамиз, ҳам дўстликка бўлган ҳурмат-ташаккуримизни изҳор этган бўламиз.

Биргина Тошкент эмас, эндиликда бутун республикамизни дўстлар диёри, дўстлик юрти деб юритсак жудаям ярашади, исмижисмига моналд тушади. Кўп миллатли республикамизнинг мағрур кўксида табаррук Ленин орденлари қаторида Халқлар дўстлиги ордени порлаб турибди. Меҳнати, меҳр-оқибати, садоқатининг тимсоли бўлган бу орден биродарлар қаторидаги биродар республикамизнинг фахридир, ҳаммамизнинг фахримиздир. Дўстликка, дўст халқлар мамлакатига, жонажон она юртимизга чуқур эҳтиром билан минг таъзим қилсак арзийди.

ҚУДРАТЛИ БИРЛИК

Ўтган йили қўшни Ильич номли колхознинг машҳур механизатори Ҳафиз Полвонов тўрт қаторли «Ўзбекистон» агрегатида 905 тонна пахта териб жаҳон рекорди қўйганида унинг жасоратига қойил қолган эдим. Мунча кўп пахта териш учун фақат малака ёки куч-қувватдан ташқари кишида сўнмас ирода ҳам бўлиши керак-лигини ўз тажрибамдан биламан.

Мен ҳам 1954 йилдан бери машинада пахта тераман. Дастлабки йили «СХМ-48» маркали машинада бир мавсумда 30 тонна пахта терганман. Бора-бора малака ҳосил қилиб, машиналарга кенг йўл очилавергач, иш унумим ҳам ортаборди. Олимларимиз, инженерларимиз машинанинг камчиликларини аниқлаб уни такомиллаштирдилар. Натижада мана бугун ажойиб «Ўзбекистон» агрегати юзага келди. Ростини айтсам бу агрегат механизаторларнинг ҳақиқий қаноти. У билан дўстлашган механизатор дорда қолмайди, истаган тилагига етади. Ўтган йили шу агрегат билан жонимни қойитмасдан 730 тонна пахта терган эдим. Кўнглимнинг бир четида «мен ҳам Ҳафиз акага етказиб пахта терсам» деган ниятим пайдо бўлган эди. Лекин, бунинг бошқа бир мўнелик томони бор эди. Бизнинг районимиз тоғли зонага жойлашганлиги туфайли экиларимиз областнинг Балиқчи, Бўз районларига қараганда 10-12 кун кеч амал олади. Шунинг учун районда терим бошланса ҳам биз мавсумни кутиб ўтирамиз. Бу йил Ҳафиз Полвонов Бўз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига директор бўлиб борди. Август ойидаги бир йиғилишда Ҳафиз ака билан кўришиб қолдик. Мен янги совхознинг шароитини сўрадим. Ҳафиз ака «механизаторларимиз камроқ» деди. Сўнг «ўзингизда терим бошлангунча бизга бориб ёрдам берсангиз» деб қолди. Мен бажонидил рози бўлдим. Бу суҳбат юрагимга далда бўлди-ю, мавсумда 950 тонна пахта теришга сўз бердим.

Теримни Бўздаги навбатма-навбат «Партия XXIV съезди», «СССР 50 йиллиги» совхозларида бошлаб, 23 сентябргача 350 тонна пахта тердим. Ўз бригадамга қайтиб 145 гектар майдондаги ҳосилни тердим. Биринчи теримда 25-27 центнер ҳосил олдик. Иккинчи теримда 10-12 центнер пахта тердик. Учинчи терим эса 7 центнерни ташкил этди. Шундай қилиб уч теримда 45 центнер ҳосил йиғиб олдик. Мен ўзим 650 тонна пахта тердим. Ҳаммаси бўлиб бу йил терган пахтам 1000 тоннадан ошди.

Бунча пахтани теришга озмунча куч сарфламадим, албатта. Лекин, бу ютуқни фақат ўзимники дейишга ҳаққим йўқ. Бу ютуқда, энг аввало, шундай терим машинасини яратган конструкторлар ва ишчиларнинг катта ҳиссалари бор. Қолаверса, биз механизаторларга яхши шароит яратиб берган колхоз ва совхозларнинг коллективлари ҳамда партия, совет, хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг алоҳида ҳиссаси бор. Бу ютуқ ишчилар ва деҳқонлар синфининг биргаликда қилган коллектив меҳнатининг самараси деб ҳисоблайман.

Обиджон АКБАРОВ,
Андижон область Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Сирдарё область Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози пахтакорлари йиғим-теримни конвейер усулда олиб бориб, кузги шудгорлашга киришдилар. Ҳозир далаларда 60 та ҳайдов трактори юксак унум билан ишлаётир. Суратда: (чапдан) 2- бўлим бошлиғи Э. Йўлдошев, совхоз бош агрономи О. Сангиров, илғор тракторчи З. Аҳмедов ва 1- бўлим бошлиғи Ш. Шердилов ўртоқлар кузги-қишки тадбирлар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ЖАСОРАТ МАДАҲИ

Ўзбекистон пахтакорлари бу йил жардонавор меҳнат қилдилар. Пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар мислсиз катта маррани кўзлаб, «оқ олтин»нинг сўнгги граммларигача йиғиштириб олмоқдалар.

Ана шу жасоратнинг туғилиши ҳақида, бу йилги улкан хирмонларимизнинг бунёдкорлари тўғрисида, пахтакорларга мададкор бўлган олимлар ва конструкторлар меҳнати ҳақида, мавсумда 1000 тоннагача пахта тера олаётган агрегатларни яратган машинасозларимиз ҳақида, пахтакорлар билан тўқимачилар ўртасидаги азалий дўстлик ва ана шу ҳамкорликнинг меваси ҳақида «Гулистон» журнали ўзининг октябрь сонида ҳикоя қилиб берган.

Журналнинг бу сони қуёш ва меҳнат мўъжизаси — Ўзбекистон пахтасига бағишланган. Унда биз Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри Э. Шайхов, ЎзССР пахта тозалаш саноати министри В. Усмоновлар билан бўлган суҳбатларни, пахтачилик тараққиётида катта роль ўйнаган В. И. Ленининг Туркистон меҳнаткашларига ёзган хатлари асосида тайёрланган Георгий Димовнинг «Тошкентга хат» очеркини, қардош республикалардан келган ўзаро теришириш бригадаси аъзоларининг хатлари, пахтакорлар билан тўқимачилар ўртасидаги азалий дўстликка бағишланган «Дўстлик нилари» корреспонденциясини ва пахтакорлар ҳаётидан хикоя қилувчи бошқа ранг-баранг репортаж ва лавҳаларни ўқийсиз.

«Пахта ишларимиз поэзияси, интилишларимиз романтикаси, пахта, бобо-деҳқон халқимиз яратаётган беҳад беқиёс, улуғвор эпопеядир» деб ёзади журнал. Саодатли ҳаётимизнинг ана шундай улуғвор эпопеяларини тараннум этишда «Гулистон»чиларга яхши истаклар билдирамиз.

ҲОРМАНГ, ҲАМҚИШЛОҚЛАР!

«Ҳурматли редакция! Совет Армияси сафида офицерлик бурчимни ўтяпман. Рота командирининг, снёсий ишлар бўйича ўринбосариман.

Қисмимизда қурувчи ўзбек жангчилари талайгина. Наманган область, Чуст районининг Олмос қишлоқ Советидан беш кишимиз. Ҳаммамиз хизматдан сўнг қишлоққа қайтиб, пахтакорларга яқиндан кўмак бериш ниятидамиз. Улар суҳбат чоғлари ва снёсий тайёргарлик дарсларида серқуёш диёримизнинг бу йилги пахта ҳосили, йиғим-терим янгиликлари ҳақида сўраб қолишади. Мен марказий газеталардан ўқиганларимни ва радио, телевизор хабарларидан эшитганларимни айтиш билангина чекланяпман.

Ҳозир бизни республикамиз бўйлаб кечаётган долзарб даврулкан «оқ олтин» хирмони учун олиб борилаётган қизғин қураш, ҳамқишлоқларимизнинг қўшаётган улуши, эришаётган меҳнат зафарлари қизиқтирялти.

Илтимос, агар лозим топсангиз «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифасида бу ҳақда қисқача хабар қилсангиз.

Қизғин ҳарбий салом билан — Комилжон КАРИМЖОНОВ.
Н- қисм, лейтенант».

Пахта — совет халқининг миллий нефтихори! Виждони, ор-номуси! Ҳар бир меҳнаткашнинг кўксида пахта ишқи! Унинг чеккада юрган фарзандлари ҳам пахтани ўйлайди... Пахта — совет халқининг интернационал бурчи бўлиб қолди...

Биз ҳарбий қурувчи, лейтенант К. Каримжоновнинг хати муносабати билан Олмос қишлоқ Советига қарашли Ленин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Бобожон Хусановга мурожаат қилдик. Раис билан бўлган суҳбатимиз ҳамшаҳар яшнгчилар илтимосига энг яхши жавоб бўлади, деган умиддамиз.

— Колхозимизнинг бугунги кунлардаги нафосати, назари ўзгача, гашти ўзгача. Ҳаммаларнинг тилида ва дилида, фикр-зикрида — пахта! У деҳконларимизнинг сахий калбидек пок ва беғубор бўлиб, 1640 гектарлик пахта майдонларимиздан кўтарилган улкан хирмонларга файз бериб турибди.

Гектар бошига 35 центнер!

Хўжалигимиз аъзолари ана шу рақамни мўлжалга олиб, йил бўйи ҳазилакам иш қилмади, озмунча тер тўкмади. Табиий офатлар ҳам мард пахтакорларимиз олдида тиз чўкди. Қилинган ният ва меҳнатга яраша даладарда мўл пахта ҳосили етиштирилди.

Ҳозир олмосликлар энг ҳаяжонли дамларни бошидан кечиришялти. Олтин куз фаслининг тарозиси сўнгги тонналарни қабул қилиб олялти. Колхозимиз ютуғида Комилжон Рафиқов, Исроилжон Тешаев, Эргаш Нуралиев сингари 28 та 1 ма капитанларининг ҳар бири мавсумда 250-300 тоннадан пахта териб колхоз хирмонининг кўтарилишига салмоқли улуш қўшдилар. Йиллик планни ошириб бажариб райондаги пешқадам хўжаликлар сафида боряпмиз.

Редакцияга хат ёзилгаш олмослик солдат ва офицер укаларга айтиб қўйинг, улар ўз йигитлик бурчларини деҳкон ҳамкишлоқлари сингари ҳалол ва садоқат билан ўтаётирмиш. Ҳал қилувчи йилда зафар қучган деҳкон ота-оналарининг накази — шу!

Биз ҳамкишлоқ ҳарбий укаларимизнинг хизматдан сўнг колхозимизга қайтиб, деҳконларимизга кўмак бериш ниятида эканликларидан гоят ҳурсандмиз. Уларнинг ниятн ҳозироқ бизнинг қалбимизга мадор, бизнинг кўч бағишлаяпти. Уларнинг истагини эсда тутамиз. Келишсин, фарзандини кутган отадек кутамиз.

Хатни ва суҳбатни оқка кўчирувчи:

Н. САЪДУЛЛАЕВ.
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

ҲАЯЖОН

Бугун байрам,
Ҳалимадек қўшиқ айтгим келади.
Юрагимни қалқитмоқда
Ўз кафтида ҳаяжон,
Иқболингни кўз-кўз қилиб
Тўкин бахтинг келади,
Нур сипқорган яноғингдан
Еришар рўйи жаҳон.
Бугун байрам,
Достондаги пайваста битган байтдек
Карвон келар —
Ҳар бири байт,
Байт эмас, бир достондир.
Ташаккурни энг оташин
Карвонбошига айтай,
Оқни олтин қилган қўллар
Мамлакатда бўстондир.
Бугун байрам,
Опажонлар — эгатлар эгасидан
Суюнч олиб юзларидан
Юз бор ўпгим келади.
Она офтоб ялтиратган
Пешона теграсида
Илҳомимни, каломимни
Чарҳлаб ўтгим келади.
Бугун байрам
Дастурхонни тўкин тузат, дугонам,
Меҳнатларинг неъматларин
Кўрсин кўзлар қувониб.
Битта ушоқ ризқимизда
Ўзбекистон мужассам.
Аммо ўтмас томоғимдан
Дўстларимизга нон есам.
Бугун байрам,
Даврамизда қанот қоқ эй раққоса,
Лолаланган гулчеҳрангдан
Аримасин табассум.

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
комсомол мукофоти лауреати.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун ҳамда 1972—1973 йилги киш даврида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни қунаётириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда кўрсатган шаҳватли меҳнатлари учун мукофотланган чорвачилик илғорларига Нукусда ҳукумат мукофотларини тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотланганларга орден ва медалларни СССР Олий Советининг депутати, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов топширди.

Тахтакўпир районидаги Карл Маркс номли қорақўйчилик совхозининг бош чўпони К. Кенжабоев ва бошқалар мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, чорвадорлар тўғрисида қилинаётган катта ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматга қизғин ташаккур айтдилар, тағин ҳам кўпроқ ғайрат билан меҳнат қиламиз, деб сўз бердилар. (ЎзТАГ).

Планетамизда

ҲИНДИСТОН Л. И. БРЕЖНЕВНИ КУТМОҚДА

Деҳлида ноябрь ойи ҳар доим хушҳаво бўлади. Пойтахт ҳиёбонларидаги гуллар чаман бўлиб очилган. Куз қуёшининг ёқимли нури билан ёп-ёруғ бўлиб турган ва республиканинг уч рангли байроқлари билан ясатилган кенг «Раж патҳ» («Давлат йўли») магистралининг икки чеккасида теп-текис қирқилиб тараб қўйилган квадрат шаклидаги гулзорлар яшнаб турибди. Мусаффо, тиниқ ҳаво хушбўй ўтларнинг ҳиди билан тўла. Бу йилги ноябрь ойини ёқимли қилган иккинчи бир сабаб ҳам бор. Ҳозир Ҳиндистон КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг визити арафасида турибди. Шимолдаги Кашмирнинг қор билан қопланган тоғ чўққиларидан тортиб, жанубдаги жазирама Коморин бурунининг зилол кўрфазларигача чўзилган бу улкан мамлакатнинг бутун халқи ўртоқ Л. Брежневнинг визитини кутмоқда. Ҳиндистоннинг холис ният кишилари бу визитга катта умидлар боғлаб, икки давлатимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар шу визит туфайли тағин ҳам кучаяди, мамлакатимиз халқларига, ялпи тинчликка ва халқаро хавфсизликка бу визит яхши натижалар беради, деб кутмоқдалар.

Ҳиндистон жамоатчилиги кенг табақаларининг, матбуот, радио, телевидениенинг диққат-эътибори ҳозирги вақтда Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визитига қаратилган. Бу визитга давлат ва жамоат арбоблари, оммавий ташкилотлар, парламент аъзолари, ёшлар, турли сиёсий маслаклардаги ва мафкуравий эътиқоди хилма-хил бўлган кишилар актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ерда бу визитга чинакам тинчлик ва дўстлик миссияси, деб якдиллик билан баҳо бермоқдалар, бу визит самарали Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди, демоқдалар.

Ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг раиси Ш. Д. Шарма биз билан суҳбатда бундай деди:

— Мамлакатларимизнинг раҳбарлари Л. И. Брежнев ва Индира Ганди ўзаро шубҳаланиш ўрнини ҳамкорлик ва яхши ният эгаллайдиган, кескинликни барқарор юмшатишга эришиладиган вазиятни ер юзида вужудга келтиришга ўзларининг бутун кучларини сарфламоқдалар. Бу визит Совет—Ҳиндистон муносабатларини мустаҳкамлаш учунгина эмас, шу билан бирга Осиёдаги сиёсий иқлимни яхшилаш учун, шунингдек бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳам янги имкониятлар очиб беришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Деҳлининг қоқ марказида ҳамиша қўм-ҳўк азим чинор дарахтлари орасида Ҳиндистон парламентининг ҳашаматли биноси турибди. Ҳозир бу бинонинг ичи айниқса гавжум. Жазирама иссиқ ёзда тўхтаб қолган сиёсий фаолият мушток бўлиб қутилган кузак келиши билан яна бошланиб кетади. Биз Ҳиндистон миллий конгресс партиясидан парламентга сайланган депутатлар билан гаплашиб, бу визитнинг аҳамияти тўғрисида уларнинг фикрини сўрадик. Бу суҳбатда битта муҳим нарса айниқса кўзга ташланиб турибди. Ҳиндистон жамоатчилиги совет ташқи сиёсатининг мақсадини ва характерини энди илгари вақтдагига қараганда анча равшанроқ тасаввур қилаётган бўлиб қолди. Ҳиндистон жамоатчилиги Совет Тинчлик программасини, халқаро кескинликни юмшатиш йўлида СССРнинг кейинги вақтлардаги дипломатик ташаббусларини маъқуллаб гапирмоқда.

— Мустақил ривожланиш тажрибаси бизда шундай қатъий фикр туғдирмоқдаки, — деди парламент аъзоси Амрит Нхата, — Совет Иттифоқи бизнинг буюк ва энг ишончли дўстимиздир. Халқаро майдонда бизга Совет Иттифоқи сиёсий мадад бериб турмаганида, СССР ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий ёрдам бериб турмаганида, Ҳиндистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллик негизларини қуриш ниҳоят даражада мушкуллашиб кетар эди. Шу сабабли Ҳиндистон Л. И. Брежневни жуда самимият билан кутиб олиши таажжубланарли бир ҳол эмас.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари қиладиган визит куни яқинлашаётган сари совет халқига ва унинг раҳбарларига хайриҳоҳлик ҳислари изҳор қилиниб, СССРнинг Деҳлидаги элчихонасига юбораётган табрикномалар шу қадар кўпаймоқда. Совет элчихонаси томонидан нашр этилаётган «Советлар мамлакати» журнали редакциясига келган хатлардан бири қўлимизда турибди. «Л. И. Брежневни қадимий ҳинд диёрида табриклаш биз учун жуда катта бахт-саодатдир, — деб ёзади журналхондлардан бири Б. И. Жхам. Л. И. Брежнев давримизнинг энг атоқли давлат арбоби. Тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар хавфсизлигини таъминлаш ишида Л. И. Брежневнинг хизматлари катта. Буни ҳамма билади ва Ҳиндистон жамоатчилигининг кенг доиралари бунга юксак баҳо бермоқдалар».

Ҳиндистон визитнинг бошланишини кутаётган мана шу кунларда, Совет — Ҳиндистон муносабатларининг биноси ҳамманинг кескинликни юмшатишга интилишидан иборат мустаҳкам пойдевор устига қурилмоқда, деган қатъий фикри бу ерда кучаймоқда. Л. И. Брежневнинг визити СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йилнинг августида имзоланган шартнома руҳига тўла тўкис мос бўлиб тушади. Бу тарихий ҳужжат Совет — Ҳиндистон муносабатларини янги юқори босқичга кўтарди ва эндиликда Осиёда ҳамда бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб турибди.

Мана чорак асрдирки, мамлакатларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик, ишонч ва дўстлик муносабатлари муваффақиятли ривожланмоқда, мамлакатларнинг социал системаларидан қатъий назар, уларнинг ҳамма ишлари ҳамкорлик қилишга, мустамлакачилик ўтмишидан мерос бўлиб қолган мураккаб социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга интилаётган Ҳиндистоннинг барқарор тинчликсеварлик йўлини Совет Иттифоқи ҳар доим билиб ва тушуниб қўллаб-қувватламоқда. Совет—Ҳиндистон сиёсий, иқтисодий, савдо, маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги тобора кенг ва кўп томонлама ривожланиб, Ҳиндистоннинг миллий мустақиллигини, унинг халқаро майдондаги позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган визити Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги босқич бўлиб қолиши шак-шубҳасиз. Бу муносабатлар турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ленинча принципини амалга оширишнинг яхши намунаси бўлиб турибди. Узаро манфаатли чинакам яхши қўшничилик ҳамкорлигининг намунаси бўлиб турибди.

Ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг оддий кишилари: «Дўст ва меҳмондўст мамлакатимизга марҳабо, Леонид Ильич Брежнев!» демоқдалар. Улар мамлакатларимиз ўртасида замон синовидан ўтган самимий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланишига ва ана шу тинчлик ва холис ният миссияси туфайли тағин ҳам бақувват ва бузилмас бўлиб қолишига қаттиқ ишонадилар.

В. МАТЯШ,
(ТАСС мухбири).

Деҳли.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ЛОНДОН. Англия пойтахтида ҳозирги замон совет рассомларининг расмлари виставкаси очилди. Виставкага Совет Иттифоқи турли шаҳарларидан 85 рассомнинг 200 дан ортиқроқ расми тақдим этилган.

Совет усталарининг суратлари Лондондан кейин Левернулда, Ньюкасл-Апон-Тайн ва Бристолда намойиш қилинади.

◆ ВАРШАВА. Польша пойтахтидаги миллий музейда XIX асрнинг иккинчи ярмидаги рус расмларининг виставкаси очилди. Виставкага Третьяков галереясида ва рус музейида тўпланган полотнолардан 96 таси қўйилган. Бу суратлар орасида Репин, Суриков, Верешчагин, Левитан, Перов асарлари бор.

Рус расмлари виставкаси — Польша маданий ҳаётида муҳим воқеа, деди Польша Халқ Республикасининг маданият ва санъат министри С. Вроньский виставкани очиш маросимида сўзга чиқиб.

◆ ТУНИС. Тунисниинг Сус вилоятида одатдан ташқари хазина — шу ерда ўн етти асрдан буён ётган қирқ бир мингтадан кўпроқ бронза танга топилди. Тунис археологларининг фикрича, бу топилдиқ катта қимматга эга.

◆ ДЕҲЛИ. Бихар штатидаги Сужатаграх районида қурилиш ишлари бажарилаётган пайтда бўйи 10 сантиметр келадиган олтин будда ҳайкалчаси топилди. Бу ҳайкалча бундан икки минг йил муқаддам яратилган. Ҳайкалчадан ташқари кўпдан кўп олтин безаклар топилди. Сужатаграхга ҳинд археологлари етиб келиб, районни синчиклаб тадқиқ қила бошладилар. (ТАСС).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.15 — **Любавинларнинг тўгатилиши** (бадиий фильм). 14.50— Еш овозлар. 16.05 — Ўқув кўрсатувлари. 17.10 — Янгиликлар. 17.20 — Моҳир қўллар. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Фан оламида. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10— Концерт. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Иқтисодий билимлар клуби. 20.15 — Ота-оналар университети. 20.45 — Ўн минут музика. 20.55 —Ахборот. 21.15 — Икромжон Бўронов куйлайди. 22.00 — МОСКВА «Вақт». 22.30 — **Хоккей: «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — ЦСКА.** **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.30—МОСКВА. Спорт кундалиги. 19.00 — Концерт. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 Сўна (бадиий фильм). 21.25 — Концерт. 22.00 ТОШКЕНТ. Кино оламида. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.40 — Телефильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/XI да **Трубадур**, 14/XI да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XI да **Парвоз**, 14/XI да **Самандар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/XI да **Ўжарлар**, 15/XI да **Замонали ва Омонали**, 16/XI да **Севишганлар хиёбони.**

КИНО

Қум карьери генераллари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Талаётлар ва муҳлислар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Оддий кийимдаги киши — С. РАҲИМОВ номли, Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Булутлар ортида осмон — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Озодлик на қадар нашъали сўз (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қари қиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Муҳаббат риштаси (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бехуда шов-шув — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Фанимиз жонкуярлари

ЖАВОҲИРШУНОС

ЛАВҲА

1950 йилларнинг баҳор фасли. Геология институтида олимлар кенгаши бўлмоқда. Кун тартибига қўйилган марказий Қизилқумнинг маъданга бўлган истиқболини аниқлаш, бу ҳақда кўп йиллар давомида қилинган назарий ҳамда амалий ишларни баҳолаш масаласи муҳокама қилиняпти. Бу масала асосида ана шу жойларда олтин борми, уни қидириб топиш имкониятлари қандай, деган жумбоқни ечиш ётар эди. Олимлардан бири тутоқишдан пешонасига тепган терни рўмолчаси билан артар экан, шундай деди:

— Марказий Қизилқум чўлларида олтин излаш бефойда. У жойларда олтиндан мисқол ҳам йўқ. Бу ҳақда мен тилхат ёзиб, қўл қўйиб ҳам беришим мумкин. Геолог-олимлардан Э. Карповнинг марказий Қизилқум учун тузган металлогеник харитасида бу ердаги олтин ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Шулар асосида мен яна қайтариб айтишим мумкинки, марказий Қизилқумда олтин йўқ.

Сўзини тугатиб ўз жойига ўтирган олим ҳамкасбларига «қойил қилдимми», деган маънода қараб қўйди.

— Бу ҳақда яна кимда қандай мулоҳазалар бор? Марҳамат... Ўтирганларга мурожаат қилди олимлар кенгашининг раиси.

— Илтимос, менга сўз беринг, — деди Иброҳим Ҳамробоев.

У кенгаш аъзоларини кўздан кечириб чиқди-да, сўнг сўз бошлади:

— Геология фани бошқа фанлар қатори ривожланиб боряпти. Оддий геологик жараёнларни кузатиш ва улар асосида хулосалар ясаш даври орқада қолиб бормоқда. Ҳозирги замон фани ашёвий далиллар асосида амалий ва назарий ишларни ясашни талаб этяпти. Чунки ашёвий далилларсиз айтилган илмий фикр — қанотсиз қуш демакдир.

Бу ерда мендан олдин сўзга чиққан ҳамкасбимизнинг Қизилқумда «олтин йўқ» деган фикрига асло қўшилиб бўлмайди. Чунки у ўз фикрини ашёвий далилларсиз исботлашга уриняпти. Бунинг устига ҳамкасбимиз марказий Қизилқумда геологик илмий-тадқиқот ишлари олиб бормаган. Менинг фикримча, марказий Қизилқум тоғлари олтин учун энг истиқболли районлардан бири. Менинг шундай хулосага келишимга тарихий ва геологик ашёвий далиллар бор. Бухоро амирлиги ҳонадонида ясалган олтин тангалар Испания, Венгрия ва Туркия бозорларида қадим замонларда алмашув ҳизматини ўтаб келганлиги кўпчиликка маълум. Мовароуннаҳр—икки дарё оралиғидаги сирли жойлардан олтин қазиб олинганлиги ҳатто Петр I га ҳам аён бўлган. Шунинг учун бўлса керак, у ўз вақтида ана шу олтинлар қаердан қазиб олинаётганлигини билиш мақсадида ўзининг уч князини — Гагарин, Бекович, Черкасскийларни турли даврларда икки дарё оралиғига юборган. Лекин бу князлар ҳам ана шу сирли олтин конлар жумбоғини еча олмаганлар.

— Бу афсонанинг кимга кераги бор! — деб луқма ташлади ҳалиги олим.

— Бу афсона эмас, балки тарихий далил, — деб эътироз билдирди Иброҳим Ҳамробоев.

— Балки бу тарихий афсоналар сафсатасини яна давом эттирарсиз, — бетоқатлик билан қўшиб қўйди у.

— Ҳа, давом эттирамиз. Чунки бу далиллар бизнинг кўз ўнгимиздан яшириниб ётган олтин конларини излаб топишда бирдан-бир асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Агар биз бундан ҳам илгариги тарих саҳифаларига мурожаат қилар экамиз, юнонлар тилида Асрушана, Сўғдиёна, араблар тилида Мовароуннаҳр, XIX асрдан бошлаб Туркистон деб аталмиш бу ўлкада олтин борлигидан дарак топамиз. Жумладан, қадимий юнон олимларидан Геродот шундай деб ёзиб қолдирган: «Улар (икки дарё оралиғида яшовчи халқлар) темир ва қумушни сира ишлатмаганлар. Бироқ, олтин ва мисга мўлдирлар».

Эрамизнинг V-VI асрларида яшаган Хитой олимларининг солномаларида ҳам Кан (Самарқанд) вилоятида ва ундан шарқроқдаги ерларда олтин бўлганлиги хабар қилинади.

— Бу гаплар янгилик эмас-ку, ахир. Вақтга эътибор қилинсин!— зарда билан гап қотди ҳалиги олим.

— Агар сиз учун бу тарихий фактлар эски бўлса, сизнинг Қизилқумда олтин йўқ деб ўқтиришларингиз янгими? Маълумки, баъзи олимлар Ўзбекистон ерлари, умуман, металл сақловчи конларга эга эмас, деб чиқишгани кўпчиликка аён. Сиз бўлсангиз ана шу фикрни орадан ўттиз йил ўтгач яна қайтаришга, уни қўллаб-қувватлашга қаракат қилясиз. Бу, албатта, бефойда уриниш: Умуман, Қизилқумда олтин конлари бўлиши мумкинлигини академиклардан А. Е. Ферсман, Д. И. Шчербаковлар башорат қилишган. Кейинчалик А. Ф. Соседко ва орамизда ўтирган Н. П. Петровлар Ғомди ва Олтинтовда биринчи олтин белгиларини топдилар.

— Бировлар ҳақидаги гапларни эшитавериб қулоқларимиз толди. Ўзингизда бу ҳақда ашёвий далиллар борми? Нималар асосида Қизилқумда олтин қидирса бўлади, демоқчисиз?

— Тўғри, мен ҳам осмондан юлдузни узиб, сизга тутқазмоқчи эмасман, албатта, — деди Иброҳим Ҳамробоев. — Мен 1947 йиллардан бошлаб олтин геологияси билан шуғулланиб келаман. Аввал Нуротада, Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларида, кейинчалик марказий Қизилқумда илмий-тадқиқот ишлари олиб бордим. Натижада Ғарбий Ўзбекистон, жумладан, марказий Қизилқумда жойлашган Ғомди тоғларида олтиннинг кўпинча маргумуш билан боғлиқ ҳолда бўлишини аниқладим. Бу ўз навбатида бир неча майда олтин конларини топишимга сабаб бўлди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ғарбий Ўзбекистон, жумладан, марказий Қизилқум тоғларининг олтинга бўлган истиқболи порлоқ. Бунга менинг ишончим комил. Бу майдонда олтин қидириш ишларини тугатиш эмас, аксинча, ривожлантириш лозим.

Шундай деди-да, Иброҳим Ҳамробоев ўрнига бориб ўтирди. Мунозарани бошқа мутахассис-олимлар давом эттиришди.

Олимлар кенгашига якун ясаган раис марказий Қизилқумда олтин қидириш ишлари мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлаб, овозга қўйди. Кўпчилик олимлар бирдамлик билан қўл кўтариб, бу фикрга ҳайриҳоҳлик билдирдилар...

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг собиқ талабаси Иброҳим Ҳамробоев машҳур геолог олимлар Б. Н. Наследов, А. С. Уклонский, В. И. Попов, А. Захаровлардан геология илмининг сир-асрорларини ўрганди. Сўнг ўз илмий фаолиятининг асосий қисмини олтин геологиясига бағишлади. Марказий Қизилқумнинг олтинга бўлган истиқболини белгилаб бергандан сўнг, у яна бу соҳада тиниб-тинчимай меҳнат қилди. И. Ҳамробоев томонидан олтиннинг маргумуш билан боғлиқ эканлигининг кашф этилиши Ўрта Осиё геологиясида янги саҳифа очди. Кейинчалик бу кашфиёт Ўзбекистонда олтин конларининг очилишига сабаб бўлди.

Олим дастлабки ютуқлар билан чекланиб қолмади. 1954—1958 йилларда Иброҳим Ҳамробоев Ғарбий Ўзбекистонда икки хил олтин конлари бўлишини: булардан биринчиси — олтин маргумуш колчедани (арсенопирит) билан, иккинчиси эса жуда сийрак ҳолда кварц томирларида учрашини белгилади. Шу билан бирга ликда Иброҳим Ҳамробоев Ғарбий Ўзбекистоннинг металлогения схемасини тузди. Бу схемада ўрганилган майдонда полиметалл (қўрғошин, рух, мис), олтин ва нодир металлар—вольфрам, молибден, қалай конларининг алоҳида зоналар ташкил этиб ётиши аниқлаб берилди. Шу жумладан, олтин конлари жойлашган зона шарқда Жиззах районидаги тоғлардан бошлаб, шимолий Нурота орқали Ғарбда марказий Қизилқумдаги Ғомди тоғларигача давом этиши белгиланди. Умуман, шу зона ичида яна бошқа олтин конлари ҳам топилиши мумкинлиги қайд этилди. Олимнинг кўп йиллик самарали меҳнати туфайли, Англия Коммунистлар партиясининг органи «Морнинг стар» газетасининг эътирофига кўра: «Асримизнинг олтин соҳасидаги... кашфиёти» — Мурунтов олтин кони очилди.

Изланувчан олим Иброҳим Ҳамробоев кейинги ўн йиллар ичида жуда катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Турли маъданларни ер остидан излаб топишда зарур бўлган янгидан-янги геологик даракчиларни аниқлади. Шулар қаторига шувоқ олтин даракчиси (биогеохимик усул), олтин ва вольфрам қардошлигини аниқлаш, Қўйтош вольфрам конининг янги истиқболини очиб беришда топилган вольфрам маъданининг иккита янги тури ва бошқалар киради.

Ўзининг геологик фаолиятида бешта олтин кони ва битта вольфрам кони очган сермаҳсул олим Иброҳим Ҳамробоев бир юз саксондан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, планетамизда чиқарилган ҳамма геологик конгресс ва симпозиумлар қатнашчиси. У кейинги йилларда яратилган бир неча янги металлогеник қараш ларга асос солди.

М. ЗОКИРОВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. **А. Тўраев** фотоси.

СПОРТ ХАБАРЛАР

ФУТБОЛ. Икки футбол командаси Европа кубоклари учун қурашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Тбилисининг «Динамо» командаси Белградда УЕФА кубоги учун курашда маҳаллий ОФК коллективи билан куч синашиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Киевлик динамочилар эса, Копенгагенда «БК-1903» командаси билан учрашиб, 2:1 ҳисобида ютуққа эришди. Бу ҳар иккала командага нимчорак финалга чиқиш имкониятини берди. Ворошиловграднинг «Заря» командаси футболчилари ўз майдонида Чехословакиянинг «Спартак» коллективидан 0:1 ҳисобида енгилиб, чемпионлар кубоги учун қурашни давом эттиришдан маҳрум бўлишди. Энди киевлик динамочилар ГФРнинг «Штутгарт» командаси билан учрашса, тбилисилик динамочилар нимчорак финал ўйинида Англиянинг «Тоттенхэм» футболчиларини қабул қилади. Учрашувлар 28 ноябрь ҳамда 12 декабрда ўтказилади.

ҚЎЛ ТЎПИ. Республика терма командаси халқаро учрашувда иштирок этиш учун Чехословакияга йўл олди. Асосан Тошкент Давлат ўқув юртларининг студент-спортчиларидан ташкил топган бу команда «Буревестник» жамияти марказий совети биринчилиги учун Могилевда ўтказилган мусобақада халқаро ўйинда куч синашиш имкониятига эга бўлишган эди. 12 кишилик командага республикада хизмат кўрсатган тренер Ф. Абдурахмонов раҳбарлик қилмоқда.

АНЗУРЗОР

Тоғ пиёзи — анзурнинг бу йилги ҳосилидан сервитамин консервалар тайёрлаш қизғин давом эттириляпти. Шахрисабз консерва заводи коллективи бундай тотли ва витаминли маҳсулотларини Иттифоқимизнинг турли саноат марказларига жўнатмоқда. Анзур пиёзи тоғнинг энг баланд чўққиларида, чорва моллари чиқиб бораолмайдиган жойларда кўп ўсади, уни териб олишда натта қийинчиликларга дуч келинади. Ҳар йили анзур пиёзи излаб, тоғнинг энг баланд чўққиларига чиқишга тўғри келяпти. Тоғ ёнбағирларида ўсадиган пиёзлар эса пайҳон қилиб юборияпти, унинг запаси камайиб кетмоқда.

Завод директори М. Альтманнинг ташаббуси билан анзур пиёзини маданийлаштириш, бундай консервага эҳтиёжни қондириш тажрибаси ўтказилаётир. Шу мақсадда тоғ пиёзининг уруғидан йиғиб олинди ва ҳисор тоғлари ёнбағридаги Сарипиёз деган жойда 8 гектар ерга анзур уруғи сепилди.

Анзурзор яна 100 гектарга кенгайтирилади ва тоғ пиёзидан кўплаб сервитамин консервалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ш. Қ. ҚОДИРОВ

1939 йилдан КПСС аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти пахтани биринчи марта ишлаш кафедрасининг профессори Шокир Қодирович Қодиров бевақт оламиздан кетди.

Ш. Қ. Қодиров 1908 йилда Қўқон шаҳрида косиб оиласида туғилди. 1935 йилда Тошкент тўқимачилик институтини тамомлаб чиққанидан кейин инженерликдан фанлар доктори, профессоргача бўлган катта йўлни босиб ўтди. У 60 дан ортиқ илмий асарлар, монографиялар, рисолалар чоп эттирди, республика пахта тозалаш саноати учун кўплаб мутахассислар тайёрлади.

Ш. Қ. Қодиров 1941—1950 йиллар мобайнида партия раҳбарлик ишларида: Фрунзе ва Киров район партия комитетларининг ва Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари бўлди. Партия қаерга юборса, у ўша ерда ўзининг бутун билими ва тажрибасини тоширилган ишни адо этишга бағишлади, ташаббус ва ғайратчанлик кўрсатди.

Партия ва ҳукумат Ш. Қ. Қодировнинг Ватан олдидаги хизматларига юксак баҳо бериб, уни «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Шокир Қодирович Қодировнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

ҚОЗОН шаҳрида 10 НОЯБРДА ўтказилган «СПОРТЛОТО» ва «2-СПОРТЛОТО»нинг навбатдаги тиражида қуйидаги рақамларга ютуқ чиқди:

«СПОРТЛОТО»
2, 3, 14, 27, 30, 43

«2-СПОРТЛОТО»
4, 11, 15, 16, 31, 32.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ташкилий методик бўлимга катта илмий ходим;

эксперименталь иммунология лабораториясига кичик илмий ходим.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанов кўчаси, 93-уй.

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги коллективи Ўсимликшунослик бош бошқармасининг бош агрономи Н. Ҳакимхоновга онаси

Ҳамида ХУЖАХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ленин орденли Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий-тадқиқот институти коллективи институт физиология ва биохимия лабораториясининг мудири Б. М. Исаевга отаси

Мирисахон ИСАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 266. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01818.